





# ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР  
ВА ТАРИХ ТАЪЛИМИ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ЮКСАК  
МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ  
МУҲИМ ОМИЛИ**



*Республика илмий - амалий  
конференцияси материаллари*

Қарши -2017



фукарolari сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги; Ўзбекистон ССРнинг 21 ёшга тўлган фуқароси Ўзбекистон ССР халқ депутати қилиб, 18 ёшга тўлган фуқароси халқ депутатлари маҳаллий советининг депутати этиб сайланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шуни қайд қилиш мумкинки, 1917 йил 7 ноябрь давлат тўнтаришидан Республикамиз мустақилликка эришгунгача бўлган даврда сайлов ҳуқуқи соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди, бу ҳуқуқдан фойдаланувчилар доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунларда ўз аксини топди.

Лекин Конституцияга биноан, мустақил деб эълон қилинган СССР таркибига кирган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССР сайлов ҳуқуқи соҳасида ҳеч қандай мустақилликка эга эмас эди.[5] Сайлов билан боғлиқ барча қоидалар марказдан белгиланган, республикаларнинг конституцияларида ва сайлов ҳақидаги қонунларида бу қоидалар айнан такрорланарди. Сайловлар яқка партиявийлик асосида ташкил этилиб, бутун сайлов жараёни коммунистик партия органлари томонидан бошқарилар эди. Ҳар бир округдан юқоридан белгиланган номзод депутатликка сайланарди. Юқори партия ва давлат органларининг раҳбарларини, қандай йўл билан бўлмасин, депутатликка сайлаш, ўз ваколатини амалга оширишга қодир бўлмаган, фақат қўл кўтариб тасдиқлашни қойиллатадиган ишчилар ва деҳқонларни, зарур ҳолларда сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириб бўлсада, депутатликка ўтказиш «қонуний» тус олди. Айниқса, 70 - 80-йилларда халқнинг сайловга бўлган қизиқиши пасайиб кетди. Сайловларда фуқароларнинг шахсан овоз беришда қатнашмаслиги, бир неча киши учун бир кишининг овоз бериши, сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетенларини сохталаштириш кабилар оддий бир ҳолга айланди. Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб туриши хўжакўрсингагина ўтказиладиган талбирга айланди ва ҳоказо.

Собиқ шўролар даврида сайловлар мохирона ўйналадиган сахнавий томоша даражасига кўтарилганлигини кўпчилик яхши эслайди. Унда ҳамманинг ўз роли бўларди. Большевиклар диктатураси шароитида аҳолининг деярли юз фоиз бўлиши таъминланар эди ва ҳаттоки сайловда қатнашмаслик мохият-этибори билан сиёсий муҳолифлик деб баҳоланарди. Аслида, уни сайлов деб ҳам бўлмас эди. Негаки, сайловчилар танҳо битта, бирдан-бир номзод (партия раҳбари, колхозчи, сўт соғувчи) учун овоз берардилар.

Орадан вақт ўтиб, халқимиз Ўзбекистон мустақиллиги туфайлигина бутун дунё тан оладиган ва эъзозлайдиган ҳақиқий демократик кадриятларга ҳамнафас бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б.
2. Ўша жойда. 25-б.
3. Ўша жойда. 26-б.
4. Ўша жойда. 27-б.
5. Ўша жойда. 29-б.

## КЕШ ВИЛОЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

У.Мўминов – ҚаршиДУ магистри

Жанубий Суғд ерлари ҳозирги Қашқадарё воҳасига тўғри келган. Қашқадарё воҳаси Ўрта Осиёнинг шаҳарсозлик қадимдан ривожланган вилоятларидан бири бўлиб, воҳада шаҳарсозликнинг илдиэлари милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалишини сўнги археологик тадқиқотлар исботлаб берди. Қашқадарё воҳаси Жанубий Ғарбий Ўзбекистоннинг йирик ва муҳим вилоятларидан бири ҳисобланган. Қашқадарё воҳаси табиати ва тарихий-иқтисодий ҳолатига кўра Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари билан боғланган[1].

Қашқадарё воҳаси географик жиҳатдан иккита йирик тарихий вилоятга - Шаҳрисабз ва Қаршига бўлинади. Шаҳрисабз воҳаси (Қадимги Кеш) Қашқадарёнинг юқори окимида жойлашган бўлиб, Шарқдан Хисор тоғ тизмалари билан ўралган. Қуйи Қашқадарёда, воҳанинг текислик қисмида эса Қарши (Қадимги Нахшаб) вилояти жойлашган бўлиб, у Ғарбда Сандикли қумликлари орқали Қизилқум билан туташиб кетган.

Аҳолининг ўтроқлашув жараёни Жанубий Сўғд худудининг тарихий географик жиҳатдан тараққиётида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ёзма манбалар ҳамда воҳада олиб борилган изчил археологик изланишлар Жанубий Сўғдда икки иқтисодий ва маъмурий худуд, яъни, Қашқадарёнинг юқори окимида, Зарафшон ва Хисор тоғ ён бағирларидан дарёнинг ўрта окими хавзасигача бўлган шарқий худудда Кеш мулки шаклланганлиги хусусида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Шарқий Қашқадарёнинг бош шаҳри турли тарихий даврларда Наутақа, Кеш, Шаҳрисабз номлари билан аталган. Бу шаҳарнинг қадимги давр ва ўрта асрларда Ўрта Осиё тарихи ва маданиятида тутган аҳамияти катта эди[2].

Милодий III-IV асрларда воҳанинг ҳар иккала қисмида асосан, дехқончилик учун қулай бўлган дарё ирмоқлари ҳамда бўлоқ бўйларида ўтроқлашиш жараёни кучаяди. Тадқиқотларга кўра, фақатгина Кеш мулки худудларида мазкур даврда умумий ҳисобда тахминан 4 минг гектарга яқин экин майдонлари ўзлаштирилади. Сув хавзаларининг изчил ўзлаштириб борилиши бир қатор дехқончилик воҳалари ҳамда уларнинг негизида кичик мулкларнинг қарор топишига замин яратади. Жанубий Сўғднинг шарқий қисмида шу каби дехқончилик воҳаларидан бири Ғузордарё хавзасида қарор топади.

Илк ўрта асрларда, хусусан, Турк ҳоконлиги даврида Кеш шаҳрининг иқтисодий-сиёсий аҳамияти анча ошади[3]. VII асрнинг ўрталарида Кеш Сўғд конфедерациясида етакчи ўринга чиқиб, қўшни мамлакатлар, хусусан, Хитой билан сиёсий-иқтисодий алоқалар ўрнатган эди. Кеш номи маҳаллий ҳукмдорлар (Ахурпат, Ихрид ва бошқалар) номидан зарб қилинган тангаларда учраб, Хитой манбалари (Суйшу, Таншу)да Ши, Кюйша каби номлар билан қайд этилади[4].

Илк ўрта асрлардаги Кешнинг мавқеи араб манбаларида ҳам акс этган. Араб муаллифи Ёқубийнинг маълумот беришича, Кеш маълум бир муддат бутун Сўғднинг пойтахтига айланади. Бу шаҳар VII асрда юксак даражада ривожланиб, Хитой билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиради. Буюк Ипак йўли орқали воҳа савдогарлари Узок Шарк шаҳарларигача етиб борганлар. Бу даврда Кеш ўз танга пулини зарб қилган. Қашқадарё қуйи окимида жойлашган Нахшаб ҳам маълум даврда унга қарам ҳолатга тушиб қолади. 672 йилда Турк ҳоконлиги инкирозга юз тутганидан кейин Самарқанднинг юксалиши содир бўлиб, Жанубий Сўғд ҳукмдорлари Самарқанд ихшидларнинг ўзи устидан ҳокимиятини тан олади.

Жанубий Сўғднинг бош шаҳри бўлган Кеш илк ўрта асрларда ҳам сўғд конфедерациясининг маҳаллий ҳокимлари орасида етакчи мавқеи учун курашган. VII аср ўрталарига қадар ҳатто Сўғднинг маъмурий-сиёсий маркази ролини ўтаган. Шишпир ихшидлиги даври бунинг яққол мисолидир. Фақат Варҳуманнинг ихшидлиги давридагина марказий ҳокимият Самарқандда қарор топди[5].

Илк ўрта асрларда (V-VIII асрларда) Кеш шаҳри янги жойга кўчиб, алоҳида мулк пойтахти сифатида қарор топиб, VII аср бошидан VIII аср ўрталаригача мавжуд бўлган ва араблар томонидан тугатилган, яъни Жанубий Сўғд ёки Кеш мулкининг кудратли ҳукмдори Дичженинг Ши, бошқача айтганда, Кюйша ёки Гиешуанда атрофи 2 ли (яъни бир км) доирагача чўзилган қароргоҳи бўлган. У Циши шаҳрини бунёд эттирдик, бу Жанубий Сўғд номи шаклларида биридир[6].

VII асрда Жанубий Сўғд атрофида аҳоли томонидан қадрланган махсус ибодатхона бино қилинган. Ҳарбий юришлардан олдин ушбу ибодатхонага Жанубий Сўғдликлар 10 мингта қўй қурбон қилиб, ўз худоларидан душманлар устидан ғолиб чиқишда мадад сўраганлар. Бу воқеалар Жанубий Сўғд Сўғдиенанинг пойтахти бўлган даврга (Шишпир

хукмдорлиги даври) тўғри келади. VIII асрда Жанубий Сўғднинг машхур ибодатхонаси вайрон этилган.

Жанубий Сўғд ҳокимлари орасида 600-620 йилларда ҳукмронлик қилган Дичже, бошқа манбаларда Тичо энг қудратли деб таъриф этилади. Хитой йилномалари Тен-шу ва Суй-шуда унинг даврида Кеш ўз элчиларини чет элларга юборганини ва ўзи элчиларни қабул қилгани таъкидланади. Яна Дичже-Тичо Ки-ше-Кешга асос солган дейилади[7].

Мусулмон ёзма манбаларида Жанубий Сўғд шаҳарлари Кеш ва Нахшабнинг номлари даставвал VII аср охири VIII аср бошларида қўлланилган. Масалан уларда Кеш шаҳрининг номи уч хил: Каш, Киш ва Кеш шаклида учрайди. Тангалардаги сўғдча матнларда бу сўз доим унлисиз - KS шаклида берилди. Илмий адабиётда ва таомилда Кеш номи қарор топган, бироқ бу топонимнинг тўғри номи Киш ёки Кисс ҳам бўлиши мумкинки, Йоқут айнан шу атамани Ибн Мукулга (ваф. 1080-1081) суянган ҳолда илгари сурган. [8] Хитойчада қиска Цзюйша-Кюйша билан бир қаторда Цюйшуана шаклидаги тўлиқ ёзуви ҳам учраши бежиз эмас[9]. Бу икки шакл таомилда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган бўлиши мумкин, лекин кейинчалик VIII асрдаёқ қиска шаклдаги Кеш-Киш номи анча тўлиқ Жанубий Сўғддан-Кишанни суриб чиқарган. Тошкентнинг кўҳна номи - тўлиқ шаклда Чочон деб аталиб келган Чоч билан ҳам шу ҳодиса рўй бергани аниқланди[10].

Ибн Хавқал бундай ёзади: “Кеш эса кўҳандиз, кўрғон ва рабодга эга бўлган шаҳардир. Шунингдек рабодга туташиб кетган бошқа мадина ҳам мавжуд. Ундаги уйлар лой ва ёғочдан қурилган” [11]. Ал-Мақдисий ҳам Кеш мадина ва рабодга эга бўлган шаҳар бўлганлигини ёзган. Унинг тавсифи ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлган Кешга тўғри келади, чунки манбада ички мадина кўҳандизи билан (Китоб ўрнидаги илк Кеш) ташландик ҳолдалиги, ташхисида эса аҳоли зич жойлашганлиги таъкидланган. Лекин жомеъ масжид вайрон бўлган мадинада, бозорлар эса рабодда жойлашган. “Унинг иморатлари, - деб ёзади ал-Мақдисий, - Бухородаги каби лой ва ёғочдан қурилган”.

Араб муаллифлари, энг аввало, шаҳарнинг топографияси ва тарихига, шунингдек асосий дарвозаларининг сони ва жойлашувига, суғориш манбалари - дарёлар, каналлар, ерларнинг ҳосилдорлиги, йирик аҳоли манзилгоҳлари оралигидаги масофаларга эътибор қаратишади. Жумладан, Кеш-Насаф, Кеш-Ғузор-Термиз, Насаф-Бухоро ва бошқа йўналишлардаги қарвон йўлларининг тафсилотлари келтирилади.

Жанубий Сўғд вилояти Зарафшон тоғларидан Ғузордарёгача бўлган ерларни қамраб олган бўлиб, ривожланган ўрта асрлар даври муаллифлари келтирилган ёзма манба маълумотларга кўра 16 та рустоклик-туманлардан ташкил топган.

Ибн Хавқал ва ал-Мақдисий томонидан келтириладиган Кешнинг таърифи Эски Кеш (Китоб) ва Кеш (Шаҳрисабз)га тўғри келади. Эски Кешнинг ички мадинаси ва кўҳандизи бу даврда ташландик ҳолга келиб, ундан 7 км жануб томонда ташқи мадина (Янги Кеш) раванқ топаётган бўлиб, унинг иккита дарвозаси, улар орқали ўтган марказий кўчаси мавжуд бўлган. Эски Кеш ҳудудида жомеъ масжид, зиндон ва бир қанча бозорлар жойлашган. Араб сайёҳлари Кеш ва Насаф ерларининг серҳосиллигини, аҳолиси эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишини ёзишган (иктибос).

Асруд дарёси (Қашқадарё) Қашқруд рустокидан оқиб, Кешдан шимолроқ томондан ўтган, «Мато бўёвчилар дарёси» (Оксув) эса шаҳарнинг жанубий томонидан ўтган. Дарёнинг номи Кеш ва Насаф аҳолисининг анъанавий машғулотларидан бири бўлмиш тўқимачилик тўғрисида маълумот беради. Ундан ташқари шаҳарда қуллолик, темирга ишлов бериш, қурилиш ашёлари ва бўёқ ишлаб чиқариш, пишасозлик, нонвойлик, қандолатчилик тараққий этган. Шунингдек Кеш ўзининг қизил тузи билан ҳам машхур бўлган.

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври VII асрнинг биринчи ярмига тўғри келиб, бу даврда Кеш ҳудуди Сўғднинг (Қашқадарё ва Зарафшон водийлари) пойтахтига айланди. Ёзма манбалар ва нумизматик манбаларда ушбу даврда Кешни бошқарган учта ҳукмдор Дичже, Шишпир, Ахурпат тўғрисида маълумот берилди[12].

Ибн Хавқал томонидан “ташқи шаҳар” сифатида таърифланган Шаҳрисабз ўрнидаги шаҳар узоқ давр мудофаа деворларисиз қолиб кетган. Ибн Хавқал Кеш кўрғони ва унинг

ички қисми вайронага айланганлиги ҳамда ташки мадинада аҳоли яшаши тўғрисида гапирар экан, “Кеш хукмдори қароргоҳи мадина ва рабоддан ташқарида, “ал-Мусалло” номи билан маълум бўлган жойда жойлашган”лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шу тарика, X асрда арк ва Кеш хукмдори қароргоҳи Китоб шахристони (Кеш ички шахри) ва Шахрисабз (ташки шахри)дан ташқарида жойлашган. У ҳолда Жанубий Сўғд вилояти маъмурий маркази ҳам хукмдор қароргоҳи билан бир жойда, яъни “ал-Мусалло”да жойлашган, деб ҳулоса қилади [13]. “Ал-Мусалло”нинг жойлашган ўрни борасида манбаларда маълумотлар учрамайди.

Шахрисабз атрофида жойлашган ўрта асрлар шаҳарлари ичида арк ва мураккаб тархга эга бўлган Чоштепа ҳамда Сариктепа ёдгорликлари диққатни тортади. Чоштепа Шахрисабз-нинг жануби-ғарбий четида жойлашган. Бир вақтлар майдони 10 гектарга тенг бўлган йирик манзилгоҳда тўғрибурчак шаклидаги кенг хандак билан ўралган кўрғон (125x100 м, баландлиги 10 м) сақланган. Чоштепа кўрғон ва мустаҳкамланмаган яшаш қисмидан иборат иншоот турини ифода этади.

#### Адабиётлар:

1. Природные условия и ресурсы юго-западного Узбекистана. -Т.: Наука, 1965. №5.8.
2. Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1998; Шахрисабз. Минг йилликлар мероси. – Тошкент, Шарк, 2002.
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 284, 297, 329.
4. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б. 28; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 297.
5. Абдуллаев Б., Мансуров Ў. Шахрисабзнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги маъмурий-сиёсий мавқеига доир // Шахрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари тезислари. - Тошкент: Фан, 2002. – Б. 54.
6. Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.-А., 1950. - С. 316.
7. Отаҳўжаев А. Сўғд конфедерациясида Кешнинг ўрни // Шахрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари тезислари. – Тошкент: Фан, 2002. - Б 39.
8. Бартольд В.В. Кеш, Соч., Т.3. - М., 1965.- С. 460.
9. Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.-Л., 1950. С. 316.
10. Ртвеладзе Э.В. О ранних монетах Чача / Чачана / и подлинном названии области // Археология, нумизматика и эпиграфика Средней Азии. - Самарканд, 2000. С. 147-149.
11. Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. – Т.: Гафура Гуляма, 1989. - С. 27.
12. Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абул Касым ибн Хаукаля // Тр. САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV.
13. Ртвеладзе Э., Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. Т., Узбекистан, 1989. С.52.

### ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИ МАТБУОТИ РИВОЖИГА ТАТАР ВА БОШҚИРД МАТБААЧИЛАРИНИНГ ҚЎШГАН ХИССАСИ

Д.Т.Мамарасулов, А.О.Эсанов – СамДУ ўқитувчиси

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар ҳам ўз сиёсий, иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонда маданий-маърифий ишларни, даврий матбуот ва нашриётларни жорий этишни, хотин-қизларни янги «коммунистик тузум»га тарафдорлар тарикасида жалб этишни йўлга қўйдилар. Эндиликда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун нафақат қурол, балки тарғибот ва ташвиқот, аҳоли ўртасида большевиклар ғоясини сингдириш вазифалари турарди. Шунинг учун ҳам даврий матбуот ва нашриётларни «замон руҳи»га мослаштириш ва уларнинг сонини мумкин қадар маҳаллий тилларда қўпайтириш муҳим эди. Албатта, маҳаллий газета ва журналлар, адабиётларни чоп этишда, босмаҳоналарни керакли дастгоҳлар билан таъминлашда, ташкилотчи-журналистлар, тарғиботчилар билан таъминлашда Қозон, Уфа, Боку, Пенза,

138	Орзиев М.З.	Бухоро маҳаллий матбуотида жанубий Ўзбекистон тарихига доир маъумотлар (“Бухороий шариф” ва “Турон” газеталари мисолида)	275
139	Аслонова О.	Қадимги туркий битикларда таълим-тарбия ёдгорликларда баркамол авлод тарбияси	277
140	Ярманова Ю.	Туркий тилларнинг тарихдаги ўрни ва аҳамияти	278
141	Маматкулов А.Я.	Ўзбекистон иқтисодиётида районлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари тарихидан (1960-1980 йиллар)	280
142	Тўраев Ш.	Европа элчилари кундаликларида Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва сарой тартиблари (испан элчиси Руи Гонзалис де Клавиго ва Султония архиепископи Иоанн мисолида)	283
143	Poyonov Sh.	Markaziy Osiyoning arablar tomonidan fath etilishining birinchi bosqichi xususida	285
144	Ko'charov J.	Abdulloh ibn Xurdodbeh - yirik tarixchi va geograf olim	287
145	Бўриев О., Усмонов М.	IX – XIII асрларда хоразм воҳасида этник вазият	289
146	Худойкулов Т. Д.	Қўқон хонлигида илм-фан ривожининг ўзига хос жиҳатлари	292
147	Исроилов М.	Ғарбда индустриал цивилизацияни шакллантирган тарихий омиллар	294
148	Umarov U.	Zarafshon vodiysida dasht qabilalari madaniyati (Zamonbobo madaniyati misolida)	297
149	Qo'shboqov H., Ho'janov N.	Buxoro shahrining xonlik poytaxtiga aylanishiga doir mulohazalar	299
150	Mo'minov U.	Klavixo “Kundaligi”da Keshga doir tarixiy geografik ma'lumotlar tavsifi	302
151	Лутфуллаев Ш.	Ўзбекистонда сайлов тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи (совет даври сайловчиларининг тарихий таҳлили).	304
152	Мўминов У.	Кеш вилоятининг тарихий географияси	306
153	Мамарасулов Д.Т., Эсанов А.О.	Туркистонда совет даври матбуоти ривожига татар ва бошқирд матбаачиларининг қўшган хиссаси.	309
154	Қурбонov X.	Мусо Туркистонийнинг “Улуғ туркистон фожеаси”асари – тарихий манба сифатида	312
155	Oripova N. X.	Tarix va qadriyatlarining o'zaro mushtarakligi	314
156	Рахимов Б.Э., Қўшбоқов Ҳ.А.	Туркистон генерал-губернаторлиги Каспийорти вилоятида хорижий сармоядорлар фаолиятдан	316
157	Daminov N.	Mustaqil davlatlar hamdo'stligining tashkil topishining tarixiy ahamiyati	319
158	Esanov A., Abduxoliqov V.	Bozor muhofabatlariga asoslangan demokratik jamiyat qurishning asosiy yo'nalishlari va bosqichlari (Samarqand viloyati misolida)	322
159	Мавлонов Ў., Махмасобирова Ф.	Номоддий маданий мерос ва миллий маънавиятимизнинг тарихий асослари	324
160	Назирov У.Қ.	Нажмиддин Кубро фарзанд тарбиясида рангларнинг аҳамияти ҳақида	326
161	Тўлаев Ё.	Бухоро хонлигида ҳарбий бошқарув	328
<b>6 ШУЪБА</b> <b>ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ, АРХЕОЛОГИЯСИ, ЭТНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА</b> <b>ЯНГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР</b>			
162	Эшов Б.Ж.	Ўрта Осиё қадимги давр урбанизация жараёнларини ўрганишнинг методологик хусусиятлари	331
163	Холикулов А.Б.	Шаҳрисабз беклигининг Бухоро амирлиги сиёсий тарихида тутган ўрни (XVIII асрнинг иккинчи ярми)	335
164	Ҳасанов А.	Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида урбанизацион жараёнлар	338
165	Шарипов Ф.	Калом илмининг етук ағломаси.	340